



# Халқ сўзи


Ўзбекистон —  
кељагаги  
бўюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz

2007 йил 8 ноябрь, № 221 (4374)

Пайшанба

## ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ



Юртимизда халқ таълими тизимини ислох қилиш юзасидан олиб борилаётган тадбирлар ижобий самара кўрсатмоқда. Ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг замонавий услублари ҳаётга кенг татбиқ этилаёттир.

**Қарши шаҳридаги 2-мактабгача ва умумий ўрта таълим мактаб-интернати ана шу ислохотларнинг маҳсулидир. Бу таълим масканида болалар бочка ёшидан ўқиб-ёзишни, компьютерда ишлашни, хорижий тилларда сўзлашишни ўрганишади. Мактаб ёшига етгач, ўқини ҳам шу ерда одавом эттиришади.**

Мақтаб кутубхонаси ўқувчиларнинг энг сеvimли масканларидан бири бўлиб қолган. Бу ерда кўпlab дарсликлар, илмий, бадиий адабиётлар бор. Кутубхона мудираси Дилрабо Зейтова ўқувчиларга китоб танлашда, адабиётлардан фойдаланишда ақин маслаҳатчи бўлиб кўрилади.

СУРАТДА: мактаб-интернат кутубхонасида.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, мустақиллик йиллари мобайнида банк тизимини изчил ва аниқ мақсад йўлида ислох қилиш банкларнинг мамлакат иқтисодий тизимини ривожлантиришдаги ролини кучайтиришга, уларнинг капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодийнинг реал секторини кредитлаш қўлларини кенгайтиришга ҳамда кўрсатилган банк хизматлари сифатини яхшилашга имконият яратди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмлари ошиб бормоқда, аҳолига, шу жумладан ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари бериш миқдори тобора кенгаймоқда.

Хозирги вақтда тижорат банклари активлари ва жами капиталнинг ҳажмлари 2000 йилга нисбатан тегишли равишда 7,6 ва 7,4 баравар кўпайди. Аҳолининг омонат қўйилмалари ҳажми 38 баравар, банк кассаларига нақд пул маблағларининг тушувлари — 8,1 баравар, иқтисодийнинг реал секторига кредит қўйилмалари — 5 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, тижорат банклари ҳамон самарали инвестиция марказларига айланиши йўқ, корхоналарни модернизация қилиш ва технология қайта жиҳозлашда ўз капиталли билан суот қатнашмоқда. Банкларнинг капиталлашув даражасини кескин ошириш, банк тизими барқарорлиги, ишонли пул муомаласи, банклар томонидан нақд маблағлар тўсиқсиз ва тўлиқ берилиши кафолатларини яратиш вазифалари долзарбликга эга қолмоқда.

Марказий банк ва тижорат банклари, солиқ органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан банкдан ташқари айланмани қисқарттириш ҳамда нақд пуллари банк кассаларига жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар етарли даражада эмас.

Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш, тижорат банкларининг рақобатдошлиги, молиявий барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш, банкдан ташқари айланмани камайитириш, жумладан озиқ-овқат (деҳқон) бозорларидаги нақд пуллари банк айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қўлларини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Банклари уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ;

Бўш пул маблағларини банк айланмасига янада жалб қилиш

хусусий банклар учун — сўм эквивалентида 2,5 млн. евро миқдорда;

3. Белгилаб қўйилсинки, банк фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган тижорат банклари қимматли қозғалар бозорига инвестиция воситасини, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессоронал фаолиятини амалга оширишга ҳақлиқдир. Бунда тижорат банклари томонидан мазкур фаолият турларини амалга оширишга алоҳида лицензия олиш талаб қилинмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва сургурта компанияларига бир ой муддатда қўйидагилар бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилсин:

банк муассасалари, шу жумладан мини-банклар, махсус кассалар, валюта айирбошлаш шохобчалари тармоқларини озиқ-овқат (деҳқон) бозорлари

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2007 йил 7 ноябрь

## Олий Мажлис Сенатида ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК

7 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия, Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирликлари ҳамда давлат-тижорат Халқ банки билан биргаликда ташкил этилган "Ижтимоий ҳимояни таъминлашнинг молиявий механизмининг янада яхшилашга қаратилган ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.



Семинарда мустақилликнинг биринчи кунларидан буюн мамлакат Президентининг бевосита раҳбарлигида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини: пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор бериб келинаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Шу мақсадда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартда қабул қилинган "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони буй йўналишдаги муҳим қадам бўлди. Ушбу Фармонга мувофиқ болали эҳтиёжманд оилаларга нафақалар, ишламаётган оналарга икки ёшга тўлмаган болаларни парваришlash учун нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам таъинлаш ва тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий адолат, ҳолилик ва ошкоралик принципларига, шунингдек, бу ёрдамни олинган мулкий аҳолини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқатан ҳам эҳтиёжманд оилаларга бериш принципларига

оғишмай риоя этиш асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети параметрларида 16 ёшга тўлмаган болалари бор оилаларга ижтимоий нафақалар, ишламаётган оналарга икки ёшга тўлмаган болаларини парвариш қилишларига, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилаларга нафақалар тўлаш учун 350,0 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган.

## ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ САФИ КЕНГАЙМОҚДА


Мамлакатимизда ички ишлар идоралари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига йўлаган байрам табригида таъкидланганидек, ички ишлар идораларининг юқоридан қўлингача бўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатидан бугунчалик янги асосда шакллантирилди, ҳуқуқ-тартибни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдалан-

ган ҳолда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди. Албатта, бу вазифаларни амалга оширишда ички ишлар идораларини юксак малакали, профессионал кадрлар билан мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда республикамизда ички ишлар идораларида хизмат қилишни орзу қилган

ёшларимиз учун катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги академияси, Енгин хавфсизлиги олий техник мактаби, Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шулар қаторида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Ички ишлар ва

(Давоми 2-бетда).



## ШХТ: БОШ ПРОКУРОРЛАР МАЖЛИСИ

Пойтахтимизда 7 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар бош прокурорларининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси, Қозғоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси бош прокурорлари ва прокуратура органларининг раҳбарлари иштирок этди. Музокарада ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ихроия қўмитаси директори М.Субанов қатнашди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров бошқарди. Унда ШХТга аъзо давлатларнинг дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. ШХТ доирасида прокуратура органлари ўртасида мулоқотни мустаҳкамлаш ушбу ташкилот фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

ШХТга аъзо мамлакатларнинг хавфсизлик борасидаги ҳамкорлигининг самардорлиги ошиб бормоқда. Бу ШХТ мақолида барқарорликни мустаҳкамлашда, таҳдидларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаёттир. Минтақавий аксилтеррор тузилма воситаси билан доимий асосда ахборот алмашиш бораётгани, қўшма аксилтеррор машқлари ўтказилаётгани, терроризм ташкилотларининг ягона умумий рўйхати тузилаётгани бунга ёрдам бермоқда.

Мажлисида ташкилотга аъзо давлатлар бош прокурорлари ўрта-

сида терроризм, экстремизм ва айирмачилик, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний савдосига, товарлар контрабандасига, уюшган трансмиллий жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашда ўзаро ахборот алмашуви ва ҳамкорликни фаолаштириш, идоралараро ҳуқуқий ҳамкорлигининг мейёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Бош прокурорларнинг хар йили ўтказиладиган бундай мажлислари сифатида трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашда ҳамкорликнинг келишидан ташқари ва механизмлари асосида сый-ҳаракатларни ўзаро бирлаштириб иш юритишга қўлланган натижаларга эришиш мумкинлигини қайд этилди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар прокуратура органлари фаолиятининг долзарб йўналишлари бўйича идоралараро ҳамкорликнинг мейёрий-ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Навбатдаги мажлисини 2008 йилда Хитойда ўтказишга келишиб олинди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови куни

2005 йили 16 ёшга тўлганман. Мен учун ҳаётимдаги энг кувончли, унутилмас, фахр ва ифтихорга тўла йил эди бу. Айнан шу йили Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини олдим. Ахир Ўзбекистондек келажаги буюк давлатнинг фуқароси эканлигимдан, шундай юртининг ҳимоясида турганлигимдан гурурланмай бўладими?!

ридир. У фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакиллигини юбюриш имкониятини ҳам беради. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ҳеч бир тўсиқсиз амалга оширилиши уларнинг дав-

олият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳамда фуқаролар ташаббускор гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловда иштирок этиш учун номзодларини кўрсатиш бўйича қарорларини қабул қилишди. Уларнинг демократик, адолатли ва ошқора тарзда ўтадиган бу муҳим сиёсий тадбирда кураш олиб бориши учун тенг имкониятлар бор.

Мен 23 декабрни интиқлик билан кутаяман. Ниятим, шу кун бўладиган сайловда ўзини мамлакатимиз раҳнақи учун бахшида этакдиган, маънавиятимизни янада юксалтиришга ҳисса қўшадиган, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, турмушимиз ва фаровонлигимизни оширадиган инсон учун овоз бермоқчиман.

Оттабек ХУЖАНАЗАРОВ, Тошкент давлат юридик институти талабаси.

ФАХР

бор қатнашиб, ўз овозини бераман. Институтда устозларимиз сиёсий билимларимизни оширишга алоҳида эътибор қаратишади. Уқитанларимиздан англадимки, сайлов ҳуқуқи бутун дунёда умумэтирфой этилган энг муҳим ва конституциявий сиёсий ҳуқуқлардан би-

лат бошқарувида иштирокининг энг муҳим шаклларидан бири саналади. Юртимизда демократиянинг ёрқин кўриниши бўлмиш фуқароларнинг эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг барча асослари яратилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фа-

Яхши хабарлар

МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Самарқанд шаҳрида маъсулоти чекланган жамият шаклидаги «Сам экстремед сервис» хусусий тез тиббий ёрдам хизмати йўлга қўйилди.

Жамиятнинг юқори малакали врач ва ҳамширалари иккита замонавий, махсус жиҳозланган автомобиллар орқали туну кун аҳолига тиббий хизмат кўрсатишапти.

Айни пайтда «Сам экстремед сервис»да 27 киши доимий иш билан таъминланди.

Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚИШЛОҚЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА

Андижон вилоятидаги 79 та аҳоли пунктининг ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида барча манобалар ҳисобига 29,6 километр табиий газ, 121,7 километр узунликда ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди. Шу мақсадлар учун икки миллиард сўмдан ортиқ ҳажмда иш бажарилди. Ўзлаштирилган маблағнинг 236 миллион сўми бюджетдан, қолганлари ҳолий ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, қисман аҳолининг ўз маблағи ҳисобига тўғри келди. 18 та янги кудук қазилди. 53 та кудук қайта таъмирдан чиқарилди.

Одилжон ШОДМОНЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ ГАЗ КОНИ

«Ўзгеобургу нефтгаз» акциядорлик компаниясига қарашли Олот нефть ва газ қидирув экспедицияси яқинда Қорақўл тумани ҳудудида янги газ конденсати конини очди. Бу билан шўба қорхонанинг жорий йилда давлатга топширган нефть ва газ кудуклари сони 3 тага етди.

Мурод РАВШАНОВ.

Кеча Тошкентдаги «ЎзэкспоМарказ» мажмуида бира тўла учта — «UZAGROEXPO 2007», «UZPRODTSEKEXPO 2007» ҳамда «Чой & қаҳва» халқаро иштирокчилар кўргазмалари иш бошлади. Бу беҳиз эмас. Чунки учала соҳа бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдириб туради. Бу — масаланинг бир жиҳати. Иккинчи томони, иштирокчилар вақтидан унумли фойдаланиш кўзда тутилган.



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Дарҳақиқат, кўргазмага ташриф буюрган киши бир пайтнинг ўзидagina қишлоқ ҳўжалиги техникалари ва ускуналари, унинг эҳтиёт қисмлари, озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлави технологиялар, савдо ва умумий овқатланиш қорхоналари учун турли-туман жиҳозлар, музлаттич ва совуттичлар билан

савдурингиз янада бойийди. Бу хорижликлар учун айни мўддоа. Ҳамюртларимиз эса, бешта асосий — «Agrotek» (қишлоқ ҳўжалик техникаси ва жиҳозлари), «Чорвачилик, ветеринария ва озук», «Agrokimyo», «Озик-овқат ва қайта ишлаш жиҳозлари», «Озик-овқат комплекси» йўналишлари бўйича замонавий

моқдалар. Шулардан бири — Индонезиянинг «Мусангара 8» фирмаси. Маълумот ўрнида айтиш керак, асосий фаолияти чой ишлаб чиқариш бўлган мазкур қорхонада йилгига ўртача 62 миллион тонна чой тайёрланади. Шунинг 80 фоизи экспорт қилинади. Чунки бу юрт чойининг сифат кўрсаткичлари билан жаҳон бозорига жуда харидор.

Халқаро кўргазма

технологиялар билан танишадилар. Ташкилотчиларнинг айтишича, кўргазмага хориж компанияларининг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Натийжада уларнинг иштироки йил сайин ўсаётди. Тахлиллар шунини кўрсатаптики, бу йил хориж давлатларидан келган қорхоналар сони ўтган йилга нисбатан 25 фоизга кўпайган.

Кўргазмада иккинчи бор иштирок этилишича, — дейди Украинадан ташриф буюрган «Ветсинтез» МЧЗ директори Ирина Синюгина. — Ўтган йилги кўргазмада кўплаб буюртмалар олган эдик. Натийжада шу бир йил давомида Ўзбекистонлик ҳамкорларимизга катта ҳажмдаги ветеринария дори-дармонларини etkазиб бердик. Айни пайтда 100 хилдаги маҳсулот билан қатнашмоқдамиз. Бу сафар ҳам юртингиздан кўплаб ҳамкорлар топширишимизга ишончим комил.

Кўргазманинг чой ва қаҳва маҳсулотлари намойиш этилаётган бурчади ҳам одамлар билан гавжу. Сабаби, дунёда ушбу маҳсулотлари билан машур бир қатор давлатлар фирмалари ўз имкониятларини намойиш эт-

— Яхши биламиз, ўзбеклар ҳаётини чойсиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди компания директорининг маркетинг бўйича ўринбосари Ят Суприата. — Шу боис кўргазма мобайлида маҳсулотимиз савдоси бўйича кўплаб шартномалар тузиш, энг муҳими, мамлакатингиздан ҳамкорлар топширишга асосий йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Ишонч билан айтманки, бунга, албатта, эришамиз. Негаки, ҳозирда оқ кизилчилик ниҳоятда кўп. Қолаверса, бунга муваффақиятли ва самарали бўлганини қайд этди. Мазкур ташриф чоги юқорида номлари келтирилган шаҳарлар ўртасида шериклик муносабатлари ўрнатилгани бароба-

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: кўргазма фаолиятдан лавҳалор. Темул КУРБОНОВ олган суратлар.

ХИВА ВА ВЕРСАЛ ШАҲАРЛАРИ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРНАТДИ

Ўзбекистон ва Франциянинг бутун дунёга машур тарихий шаҳарлари — Хива ва Версал шериклик муносабатларини ўрнатди. Яқинда Версал шаҳар мэри, Франция Миллий Ассамблеяси (Парламентнинг куйи палатаси) депутати Этиен Пинтеннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида шу ҳақдаги протокол имзоланди.

Таъкидлаш керакки, Э.Пинте Франциянинг сиёсий, иқтисодий ва жамоатчилик доиралари ўртасида катта эътибор қозонган. Версал шаҳрида Ўзбекистонга бағишланган қатор маданий қўшма тадбирлар ўтказилишида, икки мамлакат парламентарлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ўзбек халқининг маданияти, тарихи ва аънаналарига катта қизиқиш билан қарайдиган Э.Пинтеннинг ҳиссаси каттадир.

Париждан 17 километр масофада жойлашган Версал шаҳрида қарийб 70 минг аҳоли истикомат қилади. Шаҳар шуниси билан ҳам шўхрат қозонганки, Франция қироллари бир неча авлодининг қароргоҳи асрлар давомида мазкур шаҳарда — Версал саройида қарор тошган. Аҳоли яшайдиган мазоелари 250 гектар бўлгани ҳолда шаҳардаги тарихий ёдгорликлар саҳни жами 850 гектардан зиёд майдонни эгаллайди.

Ватанига жўнаб кетиши олдида «Жаҳон» АА мухбири билан суҳбат чоғида Версал шаҳар мэри ўз ташрифининг, ўзбеклар заминидаги амалий учрашувларнинг якуни жуда муваффақиятли ва самарали бўлганини қайд этди. Мазкур ташриф чоги юқорида номлари келтирилган шаҳарлар ўртасида шериклик муносабатлари ўрнатилгани бароба-

ларини диққат билан ўрганиш ва уларни белгилаб олиш ниятидалар.

— Франция Миллий Ассамблеяси депутати сифатида шунини айтишим мумкинки, Парижга қайтганимдан сўнг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича парламент гуруҳи аъзоларининг мамлакатингизга ташрифини ташкил этиш тақлифини илгари суриши режалаштирияман, — деди Э.Пинте.

Ўзбекистонда орттирган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, меҳмон, биринчи навбатда, мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистонда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзаро тинч-тотув ва аҳилликда яшаётгани тўғрисидаги хабарни биз катта қизиқиш билан қаршиладик, — дейди у. — Кейинги йиллар мобайлида Францияда миллий озчилик вакиллари билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Франция учун диний толерантлик ва миллатлараро аҳилликнинг намунаси бўлиши мумкин. Мамлакатингизнинг салоҳияти улкандир. Бу, аввало, иқтисодий, сармоявий, маърифий ва сайёҳлик соҳаларига тегишли. Мазкур соҳаларда ҳамда бошқа йўналишларда мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссамни қўшишдан хурсанд бўламан.

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА.

ЯНГИ СУЗИШ ҲАВЗАСИ ИШГА ТУШДИ

Жиззах вилоятининг Пахтакор шаҳрида қуриб битказилган ёпиқ сузиш ҳавзасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан уюштирилган республика амалий семинарида терма жамоамизнинг жорий йилнинг 27-30 ноябр кунлари Тошкент шаҳрида синхрон сузиш бўйича ўтказилган «Суз париси» халқаро турнирида муваффақиятли иштирокини таъминлаш, жойларда мазкур спорт турини ривожлантириш каби масалалар муҳома қилинди. Тадбирда Қорақўл вилоятининг Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган синхрон сузиш бўйича мурабийлар иштирок этди. Шунингдек, се-

минар қатнашчилари янги сузиш ҳавзасида спортчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Амалий семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўшма ташкили раиси С. Иномова ҳамда Жиззах вилояти ҳокими вазифини бажарувчи М. Анарбаев иштирок этди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Саломатлик

Жиззах вилояти ҳокими вазифини бажарувчи М. Анарбаев иштирок этди.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ САФИ КЕНГАЙМОҚДА



(Давоми. Боши 1-бетда).

зирлиги академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кичик сержант унвонларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг генерал-лейтенант Б.Матлобов, Академия бошлиғи вазифини бажарувчи, полковник А.Яқубов ва бошқалар Президентимиз бошчилигида истиқлол йилларида юртимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган

Ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилганини таъкидладилар. Жумладан, мазкур Олий курсни битирган озлаб сержантлар ҳам ички ишлар идораларида жазони ижро этиш, ёнги хавфсизлик, йўл-патруль, патруль-пост хизмати, қўриқлаш ва бошқа қатор хизматларда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Бизнинг ички ишлар тизимини мутахассиси сифатида шаклланиб, назарий билим ва амалий қўникмаларни ҳар томонлама пухта эгаллашимиз-

Табиат

Суҳрондарё вилоятида ўрмончиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда вилоят ўрмон ҳўжалиги бошқармаси тасарруфида 307,1 минг гектар ер майдони мавжуд бўлиб, шундан 130,9 минг гектари ўрмон билан қопланган.

ЎРМОНЛАР — БОЙЛИГИМИЗ

Соҳа ходимлари кейинги йилларда янги ўрмонзорлар барпо этиш мақсадида ҳудуд иқлимига мос бўлган ёнғоқ, листа ва бошқа тез ўсуви ҳамада эрозияга қарши дарракт навларини экомқдалар. Масалан, ўтган йили 882 гектар, жорий йил кўламида эса 355 гектар майдонда янги ўрмонзорлар барпо этилди. Натийжада бунга келиб вилоятда ўрмонлар майдони тўрт минг гектарга кўпайди.

Шунингдек, филиалда тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш, тўлов контракт асосида таълим олаётган талабаларга олий ўқув юрти билан ҳисоб-китоб қилишда ҳам молиявий ёрдам кўрсатилаётгани банк ўз миждозларига белни маҳкам боғлаб хизмат қилаётганлигидан далолат беради.

— Ҳукуматимиз томонидан ёш оилаларга кўрсатилаётган бундай гамхўрлик боис айнан шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар салмоғи янада ошди. Бундай хайрли ишни рўёбга чиқаришда банкимизнинг ҳам ўз урни борлигидан хурсандимиз, — дейди филиал бошқарувчиси Обиджон Зарипов. — Бугунги кунда муассасамиз ва унинг жойлардаги шаҳобчаларига кредит сўраб мурожаат қилаётган ёш оилалар сони кун сайин кўпайиб борапти. Бу, давлатимиз томонидан яратилган янги имкониятдан фойдаланиш борасида тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилганлигини билдирди. Келгусида ҳар бир ёш оила бундай гамхўрликни ҳис қилишига ишончимиз комил.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ГАМХЎРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Хусусан, жамиятимизнинг устуни бўлган ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ана шундай гамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди. Мазкур фармон ижросини таъминлашда банк муассасалари зиммасига ҳам катта маъсулоти юклатилган. «Ипотекабанк»нинг Хоразм вилоят филиали ходимлари ана шу маъсулоти ҳис қилган ҳолда бу хайрли ишда фаол қатнашмоқдалар.

Табиийки, ҳукуматимиз томонидан яратилган бу имтиёз ёш оилаларнинг қаддини ростлаб олишларида таянч ва тиргак бўлмоқда. Ёшларнинг ўз уйига эга бўлиш ҳақидаги кўп йиллик орауларни рўёбга чиқарди. Хоразмда бу имтиёздан биринчилардан бўлиб, урганчилик Руслан Матякубов фойдаланди. Қўлдан буён оиласига яқна тартибда уй-жой сотиб олишни орау қилиб юрган йигитнинг яризаси банк томонидан ижобий ҳал этилди. Тезда керакли хужжатлар тайёрланди. Уй сотиб оламан, деб жамғариб юрган пулидан олинаётган кредитнинг 25 фоизи микдоридаги бошланғич бадални банк депозитига қўшди. Қараб-сизки, янги уйнинг қалити унинг қўлида.

болаларимнинг қувончини айтмайсизми, роса хурсанд бўлишди. Уй тўйига йиғилганлар билан биргаликда ёш оилалар ҳақида қайғураётган Юртбошимизни дуо қилдик, — дейди ҳажо-нини яшира олмайд Р.Матякубов. Дарҳақиқат, юқорида биз тилга олиб ўтган фармон ёш оилаларга рўзгорини тиклаб олиш, меҳнат фаолияти билан банд бўлиш, барқарор даромад манбаини яратиш, уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш ва янги оила янада мустаҳкамланиши учун катта имконият яратиб берди. Айтиш жоизки, «Ипотекабанк»нинг Хоразм вилояти филиали жамоаси ана шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб фаолият юритмоқда.

Ушбу муассасида фармон ижросини таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Амалда ёш оилаларга им-

тиёзлик кредит беришнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилапти. Дастурга кўра, ёш оилалар белгиланган

Фармон ва ижро

тартибда ариза билан мурожаат қилсалар, керакли хужжатларни топширсалар, бас. Банкадаги етти кишидан иборат комиссия аъзолари дарров ўз хулосаларини беришади. Ортиқча оворагарчиликка ўрин йўқ.

Юқоридаги хужжатда белгилаб берилганидек, кредит ёш оиланинг тўлов қобилиятидан келиб чиқиб, яқна тартибда уй-жой қуриш ёки сотиб олиш учун энг кам иш ҳақи микдорининг 3000 бараварига, асосий қарзни учинчи йилдан бошлаб тўлаш шарти билан 15 йил муддатга берилапти.

**ЖАҲОН**

24 соат  
ичида

**Фабрикада портлаш**



Афғонистоннинг Бағлон шаҳридаги қанд фабрикасига мамлакат парламенти делегацияси ташир буюрган пайтда камикадзе улар олдида узини портлатиб юборди.

Reuters хабарига кўра, бу хунрезлик оқибатида 44 нафар одам ҳалок бўлган, 50 нафардан ошқ киши жароҳатланган. Ҳалок бўлганлар орасида 6 нафар парламент депутаты, аёллар ва болалар бор.

Маълумотларга қараганда, 2007 йилда Афғонистонда 130 дан кўпроқ террорчилик ҳаракати амалга оширилган ва уларда 200 нафардан кўпроқ беғуноқ инсонларнинг ёстиги қуриган.

**Қарашлари ҳамоҳанг**

Франция президенти Никола Саркози расмий сафар билан АҚШга келди. У ўз сафарини президент Жорж Буш билан учрашудан бошлади.

The Times газетасининг ёзишича, Саркози Франциянинг сўнги ўн йилдаги энг америкапараст президенти ҳисобланади. Маълумки, ундан аввалги президент Жак Ширак АҚШнинг Ироққа урушини қўллаб-қувватламаган ва бу ҳолат икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг бироз совуқлашишига сабаб бўлган.

Буш билан учрашув чоғида Саркози Франция АҚШнинг стратегик ҳамкори бўлиб келган ва бундан бундан ҳам шундай бўлиб қолади, дея таъкидлади. Экспертларнинг қайд этишича, Эрон, Афғонистон, Яқин Шарқ ва Россияга муносабат масаласида икки давлатнинг қарашлари жуда мос келади.

**Гумондорлар ҳибсда**

Италия полицияси 20 нафар чет эл фуқаросини қамоққа олди. Улар террорчилик билан шуғулланганликда гумон қилинмоқда.



France Presse хабарига қараганда, улардан портловчи моддалар, узокдан бошқариш пулти, турли қўлланмалар топилган. Полиция вакилининг

таъкидлашича, ҳибсга олинганлар Афғонистон ва Ироқда кўпурчилик билан шуғулланган террорчиларни топши ва ёллаш билан шуғулланишган.

Матбуот хабарларида айтилишича, террорчиларни қўлга олиш бўйича амалиётлар Италиядан ташқари, Франция, Буюк Британия, Португалияда ҳам амалга оширилган.

**Нефть нархи ошяптими?**

Кеча Нью-Йоркнинг NYMEX биржасидаги савдоларда WTI маркали нефтнинг бир баррели 97 доллардан сотилди. Уша кунги матбуотда АҚШдаги нефть захиралари микдори ҳақидаги маълумотлар эълон қилиниши керак эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, нефть нархининг кўтарилишига Афғонистондаги террорчилик ҳаракати, шунингдек, Ямандаги нефть қувурининг портлатилиши сабаб бўлган.

Уша кунги Лондондаги биржада ҳам бир баррель нефть 93,14 доллардан сотилди.

**Қоровулнинг ўзи ўғри**




Россиянинг Хабаровск ўлкаси ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари «Росинкасса» ўлка бошқармаси инспектори Сергей Жабрени кидирмоқда. Гап шундаки, у шахарнинг Краснофлот туманида жойлашган пул сақланган омборда навбатчилик қилган пайтда, кассадан икки миллион долларни ўғирлаб, номасълум жойга яширинган.

Шаҳар прокуратураси унга нисбатан жиноий иш очди. Ҳамкасбларнинг гапларига қараганда, Сергей Жабрени 15 йилдан буюн «Росинкасса»да ишлаб келади. Иш жараёнида доимо ўзини батартиб, ҳалол одам сифатида кўрсатган.

**Тўқнашув келтирган фожа**

Кеча кечқурун Португалиянинг Вила-Велья-ди-Роуда шаҳри яқинидаги трассада энгил автомобиль ва автобус тўқнашиб кетди. Натيجида икки машина ҳам 20 метрлик чуқурга қулаб тушди. АФР тарқатган хабарда айтилишича, энгил автомобиль ҳайдовчиси воқеа жойида вафот этган.



Автобус 38 нафар талабани олиб кетаётган эди. Автоҳалокат натижасида уларнинг 12 нафари ноубуд бўлган, 24 нафар йўловчи жароҳатланган. Врачларнинг таъкидлашича, тўрт нафар талабанинг ахволи жуда оғир.

Қутқарув ишларига 180 нафар қутқарувчи ва учта вертолёт жалб этилди. Трасса бир неча соат ёпиб қўйилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги маърузасида ўтган 16 йил давомида иқтисодий тараққиётни ривожлантириш борасида қилинган улғур ишлар билан биргаликда олдинкида турган устувор вазифаларни ҳам белгилаб берди.

**УСТЮРТНИНГ ОЙДИН ИСТИҚБОЛИ**

Ана шундай устувор йўналишлардан бири Устюрт худудида амалга оширилаётган кенг миқёсли ишлар ҳисобланади. Айна истиклол бу улкан худуддаги беҳисоб ер ости бойликлари захираларини ўзлаштиришга йўл очиб берди. Албатта, Устюрт — Мўйноқ заминидagi бир неча газ конларидан муҳим хом ашё ва газ конденсати қазиб олинаётгани, Борсакемел ва Қораумбет туз қатламлари негизда мамлакат кимё саноатининг сода ишлаб чиқарувчи гиганти ишлаб турганлиги кўпчиликка маълум.

Устюрт замини бойликлари мустақиллик манфаатларига бўйсундириш ишлари истиклолнинг дастлабки кунларидан бошланган. Энг аввало, худуднинг истиқболли жойларига транспорт коммуникациялари, электр манбаларини олиб бо-

риш, қолаверса, трансконтинентал транспорт артерияларини вужудга келтиришга эътибор қаратилди. Бугун асрий саҳрода улкан сода заводи ишлаяпти, Элободдай ажойиб шаҳар қад кўтарди. «Кўнгирот — Бейнов» қўшма мажлиси йўналишига йўл очиб берди. Албатта, Устюрт — Мўйноқ заминидagi бир неча газ конларидан муҳим хом ашё ва газ конденсати қазиб олинаётгани, Борсакемел ва Қораумбет туз қатламлари негизда мамлакат кимё саноатининг сода ишлаб чиқарувчи гиганти ишлаб турганлиги кўпчиликка маълум.

Устюрт замини бойликлари мустақиллик манфаатларига бўйсундириш ишлари истиклолнинг дастлабки кунларидан бошланган. Энг аввало, худуднинг истиқболли жойларига транспорт коммуникациялари, электр манбаларини олиб бо-

тар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида эришилган аҳд-шартларда Устюрт углеводород захираларини ўзлаштириш билан боғлиқ устувор вазифалар ҳам ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг 2006 йил 11 апрелдаги 321-сонли Қарориди эса бу борадаги муҳим йўналишлар очик-ойдин белгилаб берилди.

Жанубий корейлик ҳамкорларимиз, биринчи навбатда, Оқшўлоқ шаҳарчасида йилга 150 минг тонна полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқарадиган улкан Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этишни мўлжалламоқдалар. Корей газ корпорацияси «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг

дастлабки лойиҳа-смета қиймати 1 миллиард 100 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Уша корпорация Устюртдаги Уэунқийи — Туркир мавзесида геология-кидирув ишларига 62,4 миллион АҚШ доллари ажратмоқда. Бундан ташқари, Корей миллий нефть корпорацияси Орел денгизи худудида геология-кидирув ишларида ҳамкорлик қилиш учун сармоа ажратмоқчи.

Президентимиз қўшма мажлисида қайд қилганларидек, ўтган 16 йилда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш негизда иқтисодий тараққиётни барқарор ривожлантириш йўлини яратдик, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Баҳодир Янгйбоев. — Буни Қорақалпоғистон Республикаси мисолида яққол кўриш мумкин. Айниқса, юртимиз истиқболли ҳисобланган Устюртда бир неча мамлакатлар, шу жумладан, Корей Республикаси билан амалга оширилаётган ишларимиз мамлакатимиз ойдin истиқболли йўлида ишончли пойдевор яратди.

Янгйбой ҚҰҚҚОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!**

Яқинда ёш пианиночиларнинг Литвада ўтказилган 2-халқаро танловида пойтахтимиздаги Р. Глиэр номли академик лицей ўқувчилари Камола Зокирова ва Дилноза Тураева танловнинг совринли ўринларини қўлга киритди.

Улар икки эртан ўзбек ва қардош мамлакатлар бастакорларининг асарлари тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— Камола бундан бир неча ой аввал Қозғистонда бўлиб ўтган халқаро танловда ҳам совриндор бўлган эди, — дейди унинг устози Ж. Абдикулова. — Ишончимиз комилки, бу икки умидли ёшларимиз ишончимизни оқлайди.

М. КАРИМОВА.



Tarmoq ichida bosib chiqarish, nusxa ko`chirish, skanerlash va faks — bitta ixcham moslamada. Work Center M118i — o`z ishining yaxshi rivojlanishi haqida qayg`uradiganlar uchun a`lo darajadagi tanlov. Xerox. Zamonaviy yondashuv.

www.xerox.uz

Тошкент: "UCD Micros" (99871) 281 43 58, 281 43 61, "Sharifa T" (99871) 137 68 03.


mahsulot sertifikatlangan

**«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР**

9.00 дан 18.00 гача  
136-09-25  
132-10-63  
242-хона  
E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Unda Xerox asboblarning tan olingan afzalliklari uyg`unlashgan — yuqori texnologiya, a`lo darajadagi funktsiyaviy xususiyati hamda xizmat ko`rsatishdagi ishonchlilik va soddalik.



XEROX

Technology | Document Management | Consulting Services

**ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 30-уйда жойлашган **РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ** **АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Кўчмас мулк номи	Бошланғич нархи (сўм)	Тавсифи	Суд ижрочилари	Ижро варақаси №	Сақланаётган манзили
Ишлаб чиқариш биноси	31 396 985	1976 йилда қурилган, қурилиш майдони 2438,20 кв. м., таъмирталаб	Шаҳрихон туман суд ижрочилари бўлими	Андижон вилояти хўжалик судининг 2006 йил 23 январдаги 17-0503-7673-сонли ижро варақаси	Шаҳрихон тумани, Назармаҳрам қишлоғи

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 6, 13, 20, 27 декабрь ҳамда 2008 йилнинг 3 январь кунлари соат 11.00 да ушбу мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулк билан Шаҳрихон тумани суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида (бевоСИта жойига чиқиб) танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдоларда қатнашиши учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги МФО 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тулашлари шарт.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: **0562 агар юз тўтуса, Кўчмас мулк биржасига (8 374) 224-48-53, 224-37-86.** **Этадидан тўт маҳкам. Ишонч доим мустаҳкам.**

Лицензия: DB 001№000004.

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги**

Фуқароларни чет элда ишлашга ёллаш ва ишга жойлаштириш бўлими бошлиғи лавозимига танлов эълон қилади.

- Танлов талаблари:
- иқтисодий муносабатлар йўналиши бўйича олий маълумотга эга бўлиши;
- иқтисодий соҳасида етти йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эгалиги;
- бўлим бошлиғи лавозимига икки йилдан кам бўлмаган стажга эга бўлиши;
- интернет ва компьютерда ишлаш тажрибасига эга, ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши;
- талабгорнинг ёши 40 дан ошмаган бўлиши;
- Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.

Юридик бўлими бошлиғи лавозимига танлов эълон қилади.

- Танлов талаблари:
- халқаро ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича олий маълумотга эга бўлиши;
- ҳуқуқшунослик соҳасида етти йилдан кам бўлмаган иш стажига эгалиги;
- бўлим бошлиғи лавозимига икки йилдан кам бўлмаган стажга эга бўлиши;
- компьютерда ишлаш тажрибасига эга, ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши;
- талабгорнинг ёши 40 дан ошмаган бўлиши;
- Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Спорт • Sport • Спорт



Иштихон тумани Митан кўрғончасидаги болалар спорт мажмуаси худудда яшовчи юзлаб ёшларнинг сеvimли масканига айланиб қолди. Икки йил муқаддам фойдаланишга топширилган спорт мажмуаси ва ёзи зали, иншоотнинг қишки ва ёзда стадиони, спорт майдончаларида барча шароитлар муҳайё этилган.

**ЧЕМПИОНЛАР БАҒРИМИЗДА УЛҒАЙМОҚДА**

— Бугун мажмуамиздаги тўғрақларда 3 минг нафардан ортиқ бола тобора чиниқмоқда, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Иштихон тумани вакили Эркин Шукуров. — Ёшларнинг спортга оммавий жалб этишда мажмуамиз худудда жойлашган Болалар ва Ўсмирлар спорт мактабининг ҳам алоҳида ўрни бор. Мазкур спорт мактаби 1983 йилда ташкил этилган. Утган даврда қанчадан-қанча спортга меҳр қўйган ёшлар бу ерда таълим олишди, спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишди. Аммо у пайтларда бундай шароитлар қайда эди, дейсиз. Шўқриқ, истиқлол туғайли фарзандларимизнинг яйраб-яшнаб ўсишлари, билим олишлари, спортнинг истган турлари билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилди. Болаларнинг ҳаққон ҳаракатларини қузатиб қубо-наман. Кўнглимда улар орасидан келгусидаги олимпиада ва жаҳон чемпионларини кашф қиламан.

Дарвоқе, ушбу спорт даргоҳи ўз бағрида бўлажак чемпионларни улғайтирмоқда, деб бемалол айтиш мумкин. Қаратнинг илк сабогини ушбу мактабда ўрганган Чакра қишлоғи вакили Маъмура Ашурова ҳозирда республика ва Осиё чемпиони, қора белбоғ соҳибаси. «Ҳақиқат» қишлоқ фуқаролар йиғинидан ака-ука Сардор ва Санжар Назаровлар ҳам шундай муваффақиятга сазовор бўлишди.

Ҳа, улар Митан болалар спорт мажмуасида камол топаётган илк чемпионлар, Иштихон туманининг, ўзбек халқининг нуносиб фарзандлари. Эндликда улар жаҳон миқёсидаги мусобақаларга интилишиб, ортларидан ўнлаб издошларини чорлашяпти.

Абдурусул САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ОФАРИН, АЗИЗБЕК!**

Россиянинг Барнаул шаҳрида уч карра олимпиада, тўққиз бор жаҳон ва ўн икки марта Европа чемпиони бўлган Александр Карелин соврини учун юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги бўлиб ўтди. Мазкур турнирда изобосанлик ака-ука Мамажоновлар спорт клубининг олти нафар тарбияланувчиси ҳам иштирок этди. Қизгин курашлар остида ўтган беллашуларда Азизбек Мамажонов барча рақиблари устидан ғолиб чиқиб, жаҳон чемпиони бўлди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Жиззах шаҳрида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган «Қамолот шахмат тахтаси» республика мусобақаларининг финал босқичи бошланди.

Хива шаҳрида 13-14 ёшли болалардан ташкил топган маҳалла жамоалари ўртасида «Футболимиз келажаги» мусобақаларининг республика босқичи бўлиб ўтди.

**«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»**

Яқиний футбол баҳсида Хива шаҳрининг «Ичон-қалъа» маҳалласи ўсмирлари ғолибликни қўлга киритишди.

Самарқанднинг «Янги Хайрбод» маҳалласи ўсмирлари иккинчи, Жиззахнинг «Соилжойи» маҳалласи болалари учинчи ўринни эгалладилар.

Мусобақа Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Футбол федерацияси ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилди.

Ойбек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**5000 ТАДАН 56 ТАСИ ФИНАЛДА**

Шаҳардаги «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтаётган ушбу мусобақаларда вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган 56 нафар ёш шахматчи дона сураёттир. Ёш авлоднинг спортга бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг бўш вақтини мазмули ташкил этиш ва спортни оммавийлаштириш мақсадида уюштирилган мазкур беллашунинг кўйи босқичларида 5000 нафардан зиёд йилит-қиз жалб қилинди.

Муборак ОХУНОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

КЎЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАР УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

АВИАКОИНОТ факультети

1. Учиш аппаратларини ишлаб чиқариш технологияси кафедраси: ўқитувчи — 1.
2. Лойиҳалаш асослари кафедраси: доцент — 2; катта ўқитувчи — 1.
3. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси: доцент — 2.
4. Аэродинамика ва парвос синовлари кафедраси: доцент — 1.
5. Касб таълими кафедраси: кафедра мудири.
6. Учиш аппаратлари конструкциялари, лойиҳалаштириш кафедраси: доцент — 1.

ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ факультети

1. Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг электр жиҳозлари кафедраси: профессор — 1; катта ўқитувчи — 2.
2. Физика ва кимё кафедраси: кафедра мудири; катта ўқитувчи — 1.
4. Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш кафедраси: катта ўқитувчи — 1.

МЕНЕЖМЕНТ факультети

1. Авиатармоқ менежменти кафедраси: доцент — 1; катта ўқитувчи — 1.
2. Авиатармоқ маркетинги кафедраси: кафедра мудири; катта ўқитувчи — 3.
3. Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси: профессор — 1; доцент — 2; катта ўқитувчи — 2.
4. Тиллар кафедраси: доцент — 1; ўқитувчи — 3.
5. Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси: ўқитувчи — 1.

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:

- ариза;
- шахсий варақа (сўрвнома);
- 2 дона фотосурат;
- илмий ишлар ва мақолалар рўйхати;
- дипломлардан нусха;
- ТДАИда ишлайдиганлар — ариза, илмий ишлар рўйхати.

Аризалар эълон матбуотда чиққан кундан бошлаб бир ой мuddатгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй,  
ТДАИнинг бош биноси, 3-қavat, 34-хона (илмий котиб).  
Телефон: 133-47-13.

**«Крокус Газ Сервис» ҚҚ**

«Газсервис» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳуquдуидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатиға 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:  
1. Тошкент ш., «Миробод» (Собик «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.  
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

Ташкилотчилар: БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТ Ривожланиш Дастури, БМТнинг Марказий Осиёдаги гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича худудий бошқармаси (ЮНОДК), Ўзбекистон Бадий академияси



UNITED NATIONS Office on Drugs and Crime

**ПЛАКАТЛАР ТАНЛОВИ**

«БМТ ВА ИНСОН РИВОЖЛАНИШИ ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН НУҚТАИ НАЗАРИДА»

Мавзулар ва вазибалар: Плакат графикаси ва бадий ижоднинг бошқа шаклларидан фойдаланган ҳолда куйидаги мавзуларни ёритиш талаб этилади (ихтиёрй танланади):

- Одамлар турмуш даражаси ва фаровонлигининг юксалаётгани;
- Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги вазиятнинг яхшиланаётгани;
- Эркаслар ва хотин-қизлар тенглиги ҳамда инсон ҳуқуқларининг таъминланаётгани;
- Маданий хилма-хиллик ва маданий меросни асраб-авайлаш;
- ОИВ/ОИТС ва гиёҳвандликка қарши кураш;
- Атроф-муҳит муҳофазаси.

Мукофотлар: Биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган плакатлар муаллифлари танлов дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланади. Биринчи ўрин — компьютер (ноутбук) Иккинчи ўрин — рақамли видеокамера Учинчи ўрин — рақамли фотоапарат Танлов ташкилотчилари махсус совринлар жорий этиши мумкин.

Ижодий ишлар куйидаги манзилда қабул қилинади: Плакатлар танлови БМТ ваколатхонаси, Тошкент ш., 100029, Т. Шевченко кўчаси, 4 Маълумотлар учун: Тел.: (99871) 1203450, 1206167, Ахборот маркази Эл.манзил: infocentre.uz@undp.org Аризалар ва плакатлар 2007 йил 15 декабргача қабул қилинади.

**ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!**

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 23 ноябрь кунн соат 15.00 да Фарғона шаҳри, А.Навий кўчаси, 47-«А» уй, «Универсал биржа маркази» биносидида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган куйидаги мулк савдога чиқарилмоқда:

Суд ижрочиларининг Фарғона шаҳар бўлинимаси томонидан 2006 йил 28 сентябрдаги 15-06-03/11164-сонли ижро ҳужжатиға асосан руйхатта олинган, Фарғона шаҳар, М.Қосимов кўчаси, 62-уйда жойлашган «ФарғонаПолибзал» АЖга қарашли бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 32 258 410 сўм.

Мулк 2007 йил 23 ноябрь кунндаги савдода сотилмай қолса, савдолар 2007 йил 27, 30 ноябрь ва 7, 11, 14 декабрь кунлари давом этади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридидаги зақалат пулини куйидаги ҳисоб рақамларига тўлашлари шарт: — жисмоний шахслар учун: транзит х/р 2980400090000493415 УзР ТИФ МБ Фарғона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773, юридик шахслар учун: х/р 22622000904234776001 УзР ТИФ МБ Фарғона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773.

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган ариза ва зақалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан савдога қуйилган мулклар билан танишиш истагида бўлганлар куйидаги манзилга муружаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона филиали, Фарғона шаҳри, А.Навий кўчаси, 47-«А» уй, 2-хона. Телефонлари 226-45-48, 226-95-93.

Лицензия сервиси ДВ 001 № 000010.

**ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР**

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор

AVTODOM PLUS

GAZ-3221 Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

GAZ-31105, «ВОЛГА»

GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

GAZ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

GAZ-2705, 7 ўриндиқли металл қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

GAZ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

GAZ-3307 Автоэвакуатор

GAZ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтаридиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУОРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь», ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидроқурғичлар, автоустахоналар, бургулаш (буrowые), кичинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар, АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилий ташийдиган, самосваллар.

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Ахбор-рейтинг» банкларо рейтинг компанияси жамоаси бўлим мудири Мухирбой Раҳимовга падари бузруквори ЮСУФ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш кафедраси доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маориф ходими, техника фанлари номзоди Наримаи Саидович АБДУЛЛАХОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zelektkabelsavdo» ОАЖ жамоаси жамиятнинг ходими М. Халилова падари бузруквори МУСОЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номи Тошкент давлат техника университети раҳбарияти Олий математика кафедраси доценти Раҳим Шамсиевга ўғли Бекзод ШАМСИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

II Республика тиббиёт коллежи жамоаси коллеж директори Миржамол Адилова онаси Муборак АДИЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан руйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Копият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 24.00 Топширилди — 00.10

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — А. Орипов.  
Набатчи муҳаррир — Э. Болшев.  
Набатчи — Ф. Сайяев.  
Мусаввир — Ш. Махраббоев.